


## “ТАСДИҚЛАЙМАН”



Самарқанд вилояти Автомобиль  
йўллари бош бошқармаси  
бошлиғи

Н.И.Санақулов  
2022 йил.

### Самарқанд вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси буюртмачилигидаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танловларни ўтказиш ва ташкиллаштириш бўйича танлов комиссиясининг иш РЕГЛАМЕНТИ

#### I. Умумий қондалар

1. Мазкур регламент Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5171-сонли қарори, Автомобиль йўллари кўмитасининг 2021 йил 5 июлдаги 116-сонли буйруғи ҳамда ҳукуматнинг тегишли топшириқларга асосан ўтказилади.
2. Танлов комиссияси Самарқанд вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармасининг 2022 йил 14 февралдаги 9-сон буйруғи асосида иш олиб боради.
3. Танлов комиссияси аъзоларининг танловда **50%** дан кам бўлмаган қисми қатнашса танлов комиссияси қабул қилган қарор мувофиқ деб ҳисобланади.
4. Танлов комиссияси аъзоси ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ташкилот раҳбари томонидан берилган ишончнома асосида танлов комиссияси ишида қатнашиши мумкин.
5. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 кундан сўнг, комиссия аъзолари томонидан кўрилади.
6. Офертани буюртмачига топширишнинг охириги муддати эълон берилгандан бошлаб 5 кун.
7. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан таклифлар бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қатъий равишда махфий ва ошкор этилиши шарт эмас.
8. Ҳар бир таклифни кўриб чиқилгандан кейин қарор кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар овозлар тенг бўлса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
9. Ҳужжатларни комиссия вакиллари томонидан ўрганиш ва баҳолаш қатнашувчилар ёки уларнинг вакиллари иштирокисиз ўтказилади.
10. Агар танлов ғолиби танлов ҳужжатларида назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузишдан бош тортса, унда таклифларни кейинги балл олган иштирокчи танлов ғолиби бўлади ёки танлов бошқат(янги)дан ўтказилади.
11. Оферент томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб берилмаган ва сифатсиз ишлаб чиқилган бўлса, шартнома мажбуриятларини илгари асоссиз равишда бузганликлари, шунингдек пудратчилар томонидан шикоят бўлган тақдирда, танлов комиссияси оферентнинг таклифини рад этишга ва қайтаришга ҳақлидир.
12. Агар иштирокчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш нархини буюртмачининг бошланғич нархини **85 %** дан камини таклиф қилса, у танловни кейинги босқичда иштирок этишдан четлатилади, чунки бу лойиҳа-смета ҳужжатларини рақобатбардошлиги ва уни ишлаб чиқишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.
13. Танлов иштирокчилари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланишга тегишли лицензияга эга бўлган ташкилот ва корхоналар бўлиши лозим.
14. Танловда иштирок этиш учун ариза берувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:
  - а) танловда иштирок этиш учун ариза;
  - б) танлов иштирокчилари учун кўрсатмаларга мувофиқ тўлдирилган ариза шакллари;
  - в) рўйхатга олинандиган ҳужжатларнинг нусхалари (шу жумладан субпудратчиларники);
  - г) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензиялар нусхалари (шу жумладан субпудратчиларники);

15. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичга ўтиши учун энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси **60 балл** ва ундан юқори балл тўплаши лозим.

16. Ҳужжатлар электрон шаклда топширилади.

17. Баҳолашнинг асосий мезонлари техник қисм, ишнинг қиймати ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати бўлади.

18. Танлов натижалари асосида тузилган шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган Фуқаролик кодексининг умумий тамойилларига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

19. Иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қўйилган талабларга жавоб бериши керак.

20. Танловда қайта ташкил этилаётган ёки банкротлик ҳолатидаги лойиҳа ташкилотлари иштирок этиши мумкин эмас.

## **II. Танлов таклифига киритилган ҳужжатлар.**

20. Танлов иштирокчиси қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

Танлов иштирокчисининг ташкилий шакли тўғрисидаги маълумотлар (ташкилотнинг бўлимлари билан биргаликда тузилиши ва кадастр ҳужжатлари ёки ижара шартномаси (1-илова)).

21. Белгиланган шаклда берилган тегишли тоифадаги лицензияни илова қилган ҳолда танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар, барча субпудратчилар билан биргаликда (2-илова).

22. Сўнгги уч йилдаги танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида ҳужжатлар (3-илова).

23. Сўнгги уч йил ичида тугатилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танлов иштирокчисининг иш тажрибаси, лойиҳани амалга ошириш тўғрисида сертификатлар, гувоҳномалар, (бажарилган ишлар далолатномалари нусхалари) буюртмачилар томонидан берилган мулоҳаза хатлари, амалга оширилган ишлар бўйича тузган шартномалари нусхалари ва давлат экспертиза хулосалари нусхалари билан бирга тақдим этилиши лозим (4-илова).

24. Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома. Визуал график материаллар (Объектнинг режаси, кўприкнинг умумий кўриниши, материалларни ташиш масофаси тўғрисида маълумот, объектнинг тахминий қиймати, кўринишлари ва бошқалар) ва тушунтириш хати (5-илова).

25. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати (6-илова).

26. Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиҳанинг турли қисмларини бажариб бериши тўғрисида қафолат хатлари (7-илова).

27. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати (8-илова).

## **III. Таклифни юбориш.**

28. Таклиф электрон шаклда буюртмачига юборилади ва топширилади.

## **IV. Танлов иштирокчиларини баҳолаш.**

29. Танлов ғолибини аниқлашда конкурс иштирокчилар томонидан тўлдирилган ва тақдим этилган иловалар ўрганиб чиқилади.

30. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси баллар жадвалини тўлдиради (намуна 1-жадвалда келтирилган).

31. Зарур бўлганда, танлов комиссияси комиссия таркибидан ёки тегишли бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва хулоса киритиш учун баҳолаш гуруҳлари тузишга ҳақлидир.

\_\_\_\_\_ объектини лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун  
танлов таклифларини баҳолаш варағи

№ №	Параметрлар номи	№.№ Иловалар	Макси- мал балл	Оферентлар номи			
				№1	№2	№3	№4
1	Иштирокчининг ташкилий шакли	1-илова	5				
2	Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар (лицензияларини илова қилинган ҳолда)	2-илова	14				
3	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати	3-илова	29				
4	Сўнги уч йил давомида бажарган иш тажрибаси	4-илова	25				
5	Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумот	5-илова	7				
6	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жихозлар ва техникаларнинг рўйхати	6-илова	10				
7	Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиханинг турли қисмларини бажариб бериши тўғрисида кафолат хатлари	7-илова	5				
8	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш муддати	8-илова	5				
	Жами		100				

Танлов комиссияси аъзоси \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.  
(Ф.И.Ш.) (имзо) (сана)

### V. Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари.

32. Танлов хужжатида ҳар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш мезонлари киритилиши керак.

Баҳолаш мезонлари 2-жадвалда келтирилган

Автомобиль йўллари (йўл иншоотларини ва биноларини) куриш, реконструкция қилиш ва тўла таъмирлаш объектларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов таклифларини баҳолаш мезонлари.

№ №	Иловаларнинг баҳолаш параметрлари номи.	Баллар мик- дори
<b>I. Иштирокчининг ташкилий шакли. 1-илова (5 балл)</b>		
1.	Ташкилотда иккитадан кам бўлмаган бўлимнинг мавжудлиги	0 ёки 1
2.	Ташкилотнинг архиви ва лойиҳалаш хонасининг мавжудлиги (кадастр ҳужжатлари нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси)	0 ёки 1
3.	Техник бўлимнинг мавжудлиги	0 ёки 2
4.	Материал техник таъминот хизматининг мавжудлиги	0 ёки 1
<b>II. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар. 2-илова (14 балл)</b>		
1.	5 кишидан кам бўлмаган малакали лойиҳачи ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	0 ёки 5
2.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 1 та лойиҳа бош муҳандиси (ЛБМ) нинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	0 ёки 5
3.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 4 та муҳандис техник ходимлар мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	0 ёки 4
<b>III. Иштирокчининг молиявий ҳолати. 3-илова (29 балл)</b>		
1.	Бюджет олдида қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (тегишли давлат солиқ ташкилотлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим)	0 ёки 5
2.	Ташкилотнинг тегишли даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сони ва иш ҳақи жамғармаси тўғрисида маълумотнома, 100 млн. Сўмдан кам бўлмаслиги лозим (тегишли давлат солиқ ташкилотлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим)	0 ёки 5
3.	Танлов иштирокчисининг ҳисоб рақамида буюртмачи томонидан қўйилган объектнинг бошланғич қийматини 20% дан кам бўлмаган маблағ бўлиши лозим (тегишли банк томонидан берилган маълумотнома ёки қафолат)	0 ёки 5
4.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 500 млн. Сўм ва ундан кўп	0 ёки 5
5.	Муддати ўтган кредитор қарздорликни мавжуд эмаслиги	0 ёки 4
6.	Ўтган йилда 150 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	0 ёки 5
<b>IV. Сўнгги уч йил давомида бажарган иш тажрибаси (экспертиза хулосалари ва асословчи ҳужжатлар билан). 4-илова (25 балл)</b>		
1.	Уч йилда танлов предметига ўхшаш иш ҳажми жами таклиф этилган нархнинг уч баробари микдоридан кўп бўлиши	0 ёки 3
2.	Охириги уч йил танлов предметига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархнинг 20%) ва ундан кўп.	0 ёки 6
3.	Танловдагига ўхшаш профил бўйича охириги 3 йилда ўз кучи билан 5 тадан кам бўлмаган ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжат ва ТИА (ТЭО) ҳужжатларини ишлаб чиққанлиги. (экспертиза хулосаси билан тасдиқланади)	0 ёки 9
4.	Танловга қўйилган объект жойлашган ҳудудга танлов иштирокчиси (филиали) жойлашган юридик манзилни яқинлиги (муаллифлик назорати олиб бориш ва қурилиш жараёнидаги муаммоларни жойида ҳал қилиш учун)	0 ёки 7
<b>V. Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумот. 5-илова (7 балл)</b>		
1.	Объектни жойида бориб ўрганилганда (тушунтириш хати, объектнинг тахминий қиймати, объектнинг режаси, кўприкнинг умумий кўриниши, материалларни олиш манбалари ва ташиш масофаси тўғрисида маълумотлар)	0 ёки 7
<b>VI. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати. 6-илова (10 балл)</b>		
1.	Жиҳозлар ва техникаларнинг тўлиқ комплекти бўлган ҳолатда (5 та компьютер, 2 та принтер, 1 та плоттер, 1 та лицензияли дастур, 1 та автомобиль, асословчи ҳужжатлар билан).	0 ёки 10
<b>VII. Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиҳанинг турли қисмларини бажариб бериши тўғрисида қафолат хатлари. 7-илова (5 балл)</b>		
1.	Субпудратчи ташкилотларнинг мавжудлиги: Баллар субпудратчи ташкилотлар сонига мутаносиб камайтирилади (Ўз кучи билан бажариш тўғрисида лойиҳачининг қафолат хати асослантурувчи ҳужжатлар билан тақдим этилганда энг юқори балл билан баҳоланади).	0 ёки 5
<b>VIII. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати. 8-илова (5 балл)</b>		
1.	Танлов ҳужжатларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати	0 ёки 5

### Изоҳ:

1. 1 ва 2-жадваллар танлов таклифларини баҳолаш мезонининг тавсиявий намунаси, ҳар бир объектнинг мураккаблиги ва иш ҳажмига қараб баҳолаш мезонларига ўзгартириш киритилиши мумкин.
  2. Ҳар бир баҳолаш мезонини минимал баҳоси нолга тенг ва уни ундан паст баҳо билан ифодалаш мумкин эмас.
  3. Оферент баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), танлов комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади.
  4. Иштирокчиларни таклифлари қуйидаги ҳолларда қўрилмайди ва танловдан четлатилади (дисквалификация қилинади):
    - агар таклиф танлов комиссиясининг овоз бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса.
    - 1, 3 -иловалардан бири ёки барчаси тақдим этилмаган бўлса.
    - 1 ва 5-иловалардан бири бўйича ноль балл олган бўлса.
    - агар иштирокчининг тақдим этган нархи буюртмачининг бошланғич нархидан юқори бўлса.
  5. Баллар интерполяция йўли билан ҳисобланади.
33. Баҳолаш тизим томонидан электрон тарзда амалга оширилади.
34. Таклифлар бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.
35. Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартномага асосан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм) да тўлаб берилади.

### Буюртмачи манзили:


Тел./факс: (+99866) 237-32-04  
samarqand@uzavtoyul.uz  
Самарқанд шаҳар А.Набиева кўчаси 3 уй.

Маъсул шахс: бош мутахассис Обидов Султонхон Собидхон ўғли тел: (99) 079-79-37

### Юқоридагиларни тўғри деб имзо чекувчилар:

#### Харид комиссиясининг раиси:

Самарқанд АЙББ бошлиғи

  
\_\_\_\_\_ Н.Санакулов

#### Комиссия аъзолари:


Бош бошқарма бош муҳандиси:

  
\_\_\_\_\_ С.Маматкулов


Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари:

  
\_\_\_\_\_ А.Мирзаев


Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва техник ҳолатини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи

  
\_\_\_\_\_ Ф.Эшмаматов

Дастурлар амалга оширилишининг мониторинги бўлими бош мутахассис:

  
\_\_\_\_\_ Д.Олимов

Бош ҳисобчи

  
\_\_\_\_\_ Ш.Ходжиев

Молия-иқтисод бўлими:

  
\_\_\_\_\_ Т.Эшмуратов

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўлими:

  
\_\_\_\_\_ Д.Астанакулов


Умумий бўлим бошлиғи:

  
\_\_\_\_\_ Ш.Хўжакелдиев

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН  
КЎРСАТМАЛАР**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

(Ташкилотингизнинг ташкилий тузилмасини схематик тарзда кўрсатинг)



Танлов савдосида иштирокчи  
ташкilotнинг раҳбари имзоси:

-----  
( Ф. И. Ш.)

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Иштрокчи номи : \_\_\_\_\_  
 Рахбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_  
 Танлов объектининг номи: \_\_\_\_\_  
 Манзили ва телефон/  
 факс рақами: \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 Ҳуқуқий мақоми (статус): \_\_\_\_\_  
 Ташкил қилинган санаси ва жойи: \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 Мутахассислиги бўйича  
 фаолияти: \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 Рахбар ва унинг ўринбосарлари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш тажрибаси
_____	_____	_____
_____	_____	_____
_____	_____	_____

Асосий ходимлар (ЛБМ, бўлим бошлиқлари, мутахассислар)

Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш тажрибаси
_____	_____	_____
_____	_____	_____
_____	_____	_____

Доимий ва вақтинчалик ходимлар сони:

Доимий ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ходимлар ёки шартнома билан ишлайдиган ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Ўн (10) йилдан кам бўлмаган иш стажига эган бўлган ходимлар сонини кўрсатинг  
(соха бўйича).

Доимий ишлайдиган ходимлар \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ходимлар ёки шартнома билан ишлайдиган ходимлар \_\_\_\_\_

Танлов савдосида иштирокчи  
ташкilotнинг раҳбари имзоси:

-----  
( Ф. И. Ш.)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022  
М.ў.

й.



**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ**  
**уч йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни илова қилган ҳолда**  
**Танлов иштирокчисининг номи:** \_\_\_\_\_

(минг. сўм)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
<b>Узоқ муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Таксимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_

Сўнгги 3 йил ичида бирор бир банкротлик ёки тўловга лаёқатсизлик тўғрисидаги жараёнлар бўлганми \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

М.Ў.

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

**Изоҳ: Танлов иштирокчисининг охириги 3 йил ичида молиявий ҳолати тўғрисидаги ахужжатлар аудитор компания ҳулосаси ёки ДСИ томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботлари билан бирга тақдим этилади.**

Охирги 3 йил давомида амалга оширилган лойиҳа-смета ҳужжатлари  
(20\_\_-20\_\_ йй.)

Танлов иштирокчиси номи: \_\_\_\_\_  
Сўнги 3 йилда яқунланган лойиҳаларни санаб ўтинг

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_  
М.Ў. (Имзо)

**ОБЪЕКТНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

1. Ушбу билан тасдиқлайманки, мен \_\_\_\_\_ (фамилия)  
\_\_\_\_\_ объект жойлашган ҳудудга чиқдим ва  
(название участника торга)  
қурилиш ҳудудини ва унга ёндан ҳудудларни тўлиқ кўздан кечириб чиқдим.

2. Шу билан бирга:

а) танлов ҳужжатларини тўлиқ ва тўқис ўрганиб чиқдим

б) ушбу шартноманинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши ва унинг нархига таъсир қилиши мумкин бўлган барча миллий ва маҳаллий шароитлар ва бошқа ҳолатлар ва шароитларни тўлиқ ўрганиб чиқдик.

Танлов иштирокчисининг имзоси: \_\_\_\_\_

Танлов иштирокчиси номи: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

**ШАРТНОМАДА КЎЗДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН  
ИШЛАТИЛАДИГАН НУСХА КЎПАЙТИРУВЧИ ВА БОШҚА ТЕХНИКАЛАР  
РЎЙХАТИ**  
(Жамият балансидаги асбоб-ускуналар)

№	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					

Ташкилот раҳбарининг имзоси:  
М.Ў.

\_\_\_\_\_ (Имзо)

Тузилган сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

## КАДРЛАР РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲАМДА БОШҚА РЕСУРСЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

№	Ф.И.Ш	Лойихалаштириши иш тажрибаси	Лавозими	Иш тажрибаси ушбу мутахассислиги буйича
1				
2				
3				

Асосий ходимлар (бўлим бошлиғи, муҳандис-техник ходимлар)

1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				

Ташкилот раҳбарининг имзоси:  
М.Ў.\_\_\_\_\_  
(Имзо)

\_\_\_\_\_ ДА ЖОЙЛАШГАН  
\_\_\_\_\_ ОБЪЕКТНИ  
ЛСҲ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

СЎРОВ

\_\_\_\_\_  
(буюртмачи номи)

Агар бизнинг таклифимиз қабул қилинадиган бўлса, биз лойиҳа ишини шартнома Молия вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг бошлаймиз ва ушбу шартномага киритилган барча ишларни \_\_\_\_\_ календар кун давомида тўлиқ амалга оширамиз.

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
Имзо